

## **“Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!**

“Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 30 сентябрь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11<sup>00</sup> да Когон шаҳар, Пахтакор кўчаси 1-уйда жойлашган “Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Йиғилиш қатнашчилари соат 10<sup>00</sup> рўйхатга олиш бошланади.

Жамиятнинг электрон манзили: [info@kogonpaxta.uz](mailto:info@kogonpaxta.uz)

### **КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. 2023 йил пахта ҳосилидан қабул қилинадиган пахта хом-ашёсини қайта ишлаш натижасида қуритиш ва тозалаш хизмати нархномасини тасдиқлаш.
4. Жамият акциядорларининг 29.06.2022 йилда ўтказилган йиллик умумий йиғилишининг 9-масаласи бўйича қабул қилинган қарорни қисман бекор қилиш ҳамда тақсимланмаган фойдани тақсимлаш.
5. 2023 йил пахта ҳосилидан қабул қилинган пахта хом ашёсини қайта ишлаш натижасида олинган пахта толасини сотиш (прейскурант) нархини белгилаш.
6. Жамият балансидаги 2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80 751 ЖВА бўлган неқсия русумли автомашинани Касаба уюшмасига беғараз ўтказиб бериш.
7. Жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш (сайлаш) ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш.

*Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 07 сентябрь 2023 йил ҳолатига ва акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш куни олдин) 26 сентябрь 2023 йил ҳолатига шакллантирилади.*

*Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт, ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт. (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган)*

*Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.*

*Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Когон шаҳар, Пахтакор кўчаси 1-уй, электрон почта: [info@kogonpaxta.uz](mailto:info@kogonpaxta.uz), тел: 97-280-13-33. 97-309-49-44.*